

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

**Иқтисодиёт мактаби асосчиси
И.Т.Абдукаримовнинг 85 йиллик
юбилейига бағишланади**

**«ИҚТИСОДИЁТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий
конференция**

МАТЕРИАЛЛАРИ

(V - қисм)

(2017 йил 24-25 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2017

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари / 2017 йил 24-25 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (V-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 252 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

Иқтисод фанлари доктори, профессор – **М.Қ.Пардаев**

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Б.А.Абдукаримов – иқтисод фанлари номзоди, профессор

Х.И.Турдибеков – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва соҳа мутахассисларга мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2017

етказиб берадиган махсуслаштирилган маркетинг компанияларини тузиш керак;

- тадбиркорлик тузилмаларини турли молиявий институтлар томонидан ажратилган кредит ресурсларидан доимий фойдаланиш механизмини соддалаштириш керак;
- дунё мамлакатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик субъектлари учун кредитларнинг фоиз ставкаларини кескин камайтириш чора-тадбирларини кўрсак, бизнинг фикримизча, кутган самарага эришамиз.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган кичик бизнесни ташкил этиш ва бошқариш борасида билим ва кўникмаларни ривожлантириш тобора муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай соҳанинг ривожланиши учун тегишли билимга эга бўлган кадрлар тизими шаклланган бўлмоғи лозимдир.

И.С.Тухлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Н.А. Холиқов – СамИСИ, ММХ-115 гуруҳ талабаси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги тараққиёт, ҳалқимиз турмуш даражасининг юксалиб бораётгани янги хизмат турларига эҳтиёж туғдирмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этилиши ҳисобига аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилиши баробарида, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда амалга оширилган таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари, сайёҳлар учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилиши ҳам ушбу масканларга келувчи меҳмонлар сони ортишига хизмат қилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси республикада 13 та асосий турлар бўйича тақсимланади. Улар: алоқа ва ахборотлаштириш, компютерни дастурлаштириш, молия (банк, суғурта хизматлари ва молиявий лизинг) транспорт, қурилиш, технологик ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича, қишлоқ хўжалик техникалари, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, таълим ва соғлиқни сақлаш, туристлик, маиший ва бошқа хизмат турлари киритилган. Яқин келажакда компютерни дастурлаштириш, шунингдек савдо ҳамда умумий овқатланиш хизматлари бўйича энг юқори ўсиш суръати 2,4 баробар ортиши кутилмоқда. Соғлиқни сақлаш, туристик, маиший ва технологик ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва

уларни таъмирлаш бўйича хизматлар соҳасида ўсиш 2,3 баробар бўлиши прогноз қилинмоқда. Дастур шунингдек ЎзААА кўрсатувчи янги хизматлар турларини прогнозлаштирилган ривожлантириш параметрларини ҳам қамраб олади. Улар қаторига коммуникация (компютер ва абонентлик терминалларини таъмирлаш), интерактив телевидение, видеотелефония, компютер техникасини, мобил телефонларни ва бошқаларни таъмирлаш соҳасидаги корхоналарда техник хизмат сервислари киради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодийтимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда. 2014-йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди. 2015 йилда иқтисодийтда пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 2014 йилга нисбатан 10,8 фоизга ўсиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,5 фоизгача ошишини таъминлади¹.

2015 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (30,0 фоиз), соғлиқни сақлаш (17,3 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (15,4 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (18,1 фоиз), маиший хизматлар (17,5 фоиз), туристик хизматлар кўрсатиш (15,9 фоиз), қурилиш (18,6 фоиз), компютер дастурлаш (13,4 фоиз) ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш (14,7 фоиз) каби соҳаларда кузатилди².

Бугунги кунда иқтисодийтда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда. Ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилаётган иш ўринларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобил алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Сўнгги беш йилда юқори технологиялар асосидаги хизматлар улуши 21,2 фоизга қадар кўтарилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида 80 минг 400 та кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда ва бу хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари умумий сонининг 80 фоиздан ортиғини ташкил қилади. Қишлоқ ва туманларимизда хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантиришга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг “2015-йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари” га бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

² Ўзбекистон Республикаси марказий банки «2015-йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2016-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари».

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш дастури доирасида сўнгги уч йилда 22 минг 800 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 1,6 баробар, қишлоқда бир кишига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробар ошди¹. Натижада кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани – буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда ва “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги фикримизнинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016-йил 26-февралдаги “2016-2020 йиллар учун хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш дастури тўғрисида” қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 2-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида” фармонида белгиланган туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, ўрта муддатли истикболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек 2017-2021-йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда.

Ж.О.Орипов – СамИСИ доценти, и.ф.н.,

У.Х.Холбоев – СамИСИ ўқитувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ДАРАЖАСИ ЮКСАЛИШИДАГИ ЎРНИ

Ҳаммага маълумки, юртда тинчлик, осудалик, барқарор ривожланиш юз берганда, аҳолида хизмат кўрсатиш соҳаларига, янги-янги хизматлар турларига талаб ҳам оша боради. Мустақиллик йилларда республикамызда туб ўзгаришлар юз берди, иқтисодиётимиз кейинги ўн йилликлар мобайнида мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Айрим халқаро экспертлар берган маълумотларга қараганда, Ўзбекистон жадал

¹ Ўзбекистон Республикаси марказий банки «2015-йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2016-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари».

МУНДАРИЖА:

I ШЎБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ, АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ”		
Навруз-Зода Б.Н., Абдуллаев А.Ж.	Кўп тармоқли фермер хўжаликларида кооперацияга асосланган хизмат кўрсатиш	3
Муҳаммедов М.М., Бегимова Д.Я.	Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ривожлантириш йўллари	6
Тухлиев И.С., Холиқов Н.А.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти	9
Орипов Ж.О., Холбоев У.Х.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ва аҳоли турмуш тарзи ва даражаси юксалишидаги ўрни	11
Файзиев Ж., Валиева Ф.	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш механизмлари	14
Норбоева Д.Ж.	Психологик хизмат муаммолари	18
Мардонов Б.Б., Халилов А.	хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш зарурияти ва усуллари	21
Нозимов Э., Мусаев Р.М.	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда инновациянинг роли	24
Хожиккулов Б.Э., Саитов Ш., Шодиева З.	Сервис самарадорлиги ва уни оширишнинг асосий йўналишлари	27
Очилова Н., Тўхтаев С.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрнини оширишда давлатнинг ролини	29
Рустамов Н.И.	Ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг улушини ошириш йўналишлари	33
Нозимов Э., Хамроев М.С., Усмонов П.Ш.	Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг муҳим кафолати	36
Усманов З.Б., Саитов Ш., Шодиева З.	Хизмат соҳаси самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	39
Masharipova M.A.	Xizmat ko`rsatish tarmoqlarini rivojlantirishning tashkiliy-huquqiy asoslari	42
Шодибоева М.	Иш билан бандликни таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли	44